



THE ROLE OF EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN THE TRAINING OF MATURE QUALIFIED PERSONNEL FOR THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

Jumanov To'liqin Sattarovich

Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan deputy head of the Department of spiritual and educational affairs and human resources, doctor of philosophy in law (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11032516>

ARTICLE INFO

Received: 14th April 2024
Accepted: 21th April 2024
Online: 22th April 2024

KEYWORDS

Certification, personnel, educational load, personnel training, educational literature, scientific competence.

ABSTRACT

The article outlines some of the problems that arise in the preparation of professional personnel for the industry in higher educational institutions of the Ministry of Internal Affairs, in particular, in the Academy of the Ministry of Internal Affairs, and ways to solve them.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН ЕТУК МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Жуманов Тўлқин Саттарович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11032516>

ARTICLE INFO

Received: 14th April 2024
Accepted: 21th April 2024
Online: 22th April 2024

KEYWORDS

Аттестация, кадрлар, ўқув юклар маси, кадрларни тайёрлаш, ўқув адабиётлари, илмий салоҳият.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари, хусусан ИИБ Академиясида соҳа учун профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ айрим фикрлар баён этилган.

Бугунги кунда ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашда вазирлик Академиясининг аҳамияти беқиёс, ушбу таълим муассасасида ёшларга таълим бериш билан машғул бўлган етук малакали педагог ходимлар эса бу жараённинг ажралмас бўлагига айланиб улгурган. Немис педагоги А.Ф.Дистервегнинг “Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади” деган ўринли фикрлари ва Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг кадрларни тайёрлашга оид “Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан астойдил бетиним ва изчил меҳнатни талаб қилади”



деган қимматли сўзлари ушбу масаланинг қай даражада долзарб масала эканлигини англатади.

Олий даргоҳда билимли ва тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг мавжудлиги тайёрланадиган кадрлар сифатини кафолатлашга ҳам хизмат қилади. Шу боис, профессор-ўқитувчилар педагогик технологияларини ва педагогик маҳоратга эга бўлиши билан бирга, ўқитишнинг энг замонавий интерфаол усулларини ҳам ўзлаштириши кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошишига хизмат қилади [1].

Сифатли кадрларни тайёрлашдаги яна бир муҳим жиҳатлардан бири бу профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган ўқув адабиётларининг сифати ҳамда етарлилиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини янгилаб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-боби, 16-бандида [2] олий таълимнинг бакалаврият босқичи учун ўтилаётган фанлар бўйича ҳар 6 нафар талабага камида 1 (бир) дона ўқув адабиёти тўғри келса, мазкур таълим йўналиши ўқув адабиётлари билан таъминланган ҳисобланиши белгилаб ўтилган.

Юқоридаги талабга жавоб берган тақдирдагина, Академиянинг курсант ва тингловчилари етарли адабиётлар билан таъминланган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Бизга маълумки, олий ўқув юртларининг нуфузи профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳият даражаси қай даражада эканлиги билан ҳам баҳоланади, ушбу кўрсаткич канча юқори бўлса, тадқиқотларни ўтказиш сифати, курсант ва тингловчиларни ўқитиш сифати ҳам шунча юқори бўлади.

Бугунги кундаги Академия илмий салоҳияти кўрсаткичлари таҳлилини кўрадиган бўлсак, бу кўрсаткич 2023 йил январь оyi ҳолатига кўра 50%ни ташкил этади [3].

2021 йилнинг июнь-июль ойларида Академия профессор-ўқитувчилари педагогик аттестациядан ўтказилди ва 51 фоиз профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти қониқарсиз деб баҳоланди. Ушбу ҳолат, албатта ачинарли. Бугунги кунда профессор-ўқитувчилар таркибини жамлаш масаласи асосан тажрибали амалиёт ходимлари ва илмий даража ҳамда илмий унвонга эга бўлган педагогик кадрлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, курсант ва тингловчиларга тегишли фанлар бўйича Академия профессор-ўқитувчилари томонидан ўтилаётган дарс машғулоти сифат жиҳатидан таҳлил қилинганда, қуйидаги умумий камчиликлар кўзга ташланди, яъни:

- 1) амалиётдан келиб, профессор-ўқитувчилик лавозимига янги тайинланган ходимларда мутахассислик бўйича тегишли фанлардан назарий билимларнинг етишмаслиги, мавзунини фақат амалий жиҳатини (асосан бошидан ўтказган кечинмаларидан келиб чиққан ҳолда) ёритиши билан чегераланиши ҳамда педагогик маҳорат ҳам етарли даражада эмаслиги;
- 2) айрим профессор-ўқитувчиларнинг тегишли мутахассислик бўйича фанлардан назарий билим, амалий кўникма ҳамда педагогик маҳорати етарли даражада эмаслиги ёки ўз устида мунтазам равишда ишламаслиги, янгиликка интилмалиги, замон талаблари билан ҳамроҳанг эмаслиги;



3) айрим профессор-ўқитувчилар дарс машғулоти жараёнида ўқитишни замонавий интерактив методларини қўлласлиги ёки ушбу методларни етарлича билмаслиги;

4) баъзи бир профессор-ўқитувчилар ўқув машғулоти давомида курсант ва тингловчилар билан психологик мулоқатга етарлича кириша олмаслиги ва ҳ.к.

Бундан ташқари, йил давомида кафедра профессор-ўқитувчиларининг вазирлик ва бошқа ташкилотларнинг турли ҳил ишчи гуруҳларига мақсадли жалб этилиши, тегишли фанлар бўйича йиллик ўқув юкларининг ортиб кетиши, штат бирликлари ўқув юкларини миқдоридан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмаганлиги (баъзи кафедраларда ўқув юкларини кўп бўлсада, профессор-ўқитувчилар миқдори камлиги ёки аксинча) ҳам дарс машғулоти сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида кадрлар тайёрлаш борасида амалага оширилаётган ишларнинг сифатига салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўқув юкларининг белгиланган меъёрдан анча юқори эканлигини қуйидаги кафедра мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

Жинойт-процессуал ҳуқуқи кафедраси томонидан 2022/2023-ўқув йилида тегишли фан дастурларига мувофиқ курсант ва тингловчиларга жиноят-процессуал ҳуқуқи фанидан 294 соат, терговга қадар текширув фанидан 81 соат ва йўл транспорт ходисаларида суриштирувни ташкил этиш фанидан 104 соат дарс машғулоти ўқитилиши режалаштирилган.

Кафедра ўқитувчисининг йиллик юкларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2014 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар меҳнатини меъёрга солиш тўғрисидаги Йўриқнома”ни тасдиқлаш ҳақида”ги 183-сонли бўйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар меҳнатини меъёрга солиш тўғрисидаги Йўриқнома”нинг 1-иловасига мувофиқ жами 1540 соатни ташкил этиши лозимлиги белгиланган.

Аммо, Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиларининг йиллик юкларини ўртача 1540 соатни ташкил этиши ўрнига 2495,5 соатни ташкил этган. Бунга сабаб нимада?

Бунга биринчидан, бугунги кунда Академиянинг кундузги таълим шаклига бир йилда қабул қилинган курсантлар сони 400 нафардан 600 нафарга етганлиги, ҳозирда 3 та ўқув курсида таълим олаётган курсантларнинг умумий сони икки минг нафардан ошганлиги, иккинчидан, сиртқи таълим факультетига қабул қилинган тингловчилар сони эса йиллик 200 нафардан 600 нафарга етганлиги, ҳозирда 4 та ўқув курсида таълим олётган тингловчиларнинг умумий сони ҳам икки минг нафардан ошганлиги (жами тўрт мингдан ошди) сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз-ўзидан ўқув гуруҳларининг кўпайишига ва кафедра профессор-ўқитувчилари ўқув юкларининг ошиб кетишига, ўқув гуруҳи хоналарининг ҳам етишмаслигига, оқибатда машғулотлар сифати пасайишига сабаб бўлади. Айнан шундай шароитда кафедра профессор-ўқитувчилари ўз устида ишлашга, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишга вақти бўладими? Йўқ албатта, ўз устида



мунтазам ишламаган, илмий-тадқиқот иши билан шуғулланмаган педагог қандай қилиб курсант ва тингловчиларга сифатли дарс машғулотларини ўтиши мумкин.

Шу боис кафедрада ўқитиладиган фанлар сони, фанларга ажратилган соатлар (мавзулар сони ва машғулот турларидан келиб чиқиб), ўқув гуруҳлар сонидан, “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар меҳнатини меъёрга солиш тўғрисида”ги Йўриқномадан келиб чиқиб, энг аввало ўқув юкмасининг хажмини аниқлаб олиш, айнан аниқланган юклама хажмидан келиб чиқиб, кафедрадаги штат бирликларини белгилаш керак. Шундагина юқоридаги ҳолатларга чек қўйилиши мумкин, кафедра профессор-ўқитувчилари эса ўз устида ишлаш ва илмий-тадқиқот иши билан шуғулланишлари учун имконият вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон қарори билан “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми [4] тасдиқланди. Мазкур Низомда таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш таълим ташкилотининг фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиши ва таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигини аниқлашдан иборатлиги белгиланган. Аттестация натижалари асосида эксперт комиссиялари томонидан таълим ташкилотида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни [5] ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновация ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги “Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019 ва 18-қ/қ-сон қарори [6] қабул қилинди. Унга кўра, олий таълим ташкилотлари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланиши белгиланди:

- а) ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги бўйича;
- б) давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши бўйича;
- в) талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими) бўйича Давлат инспекцияси томонидан ўтказиладиган назорат ишлари натижалари;



- г) профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти ва улар мутахассисликларининг (ихтисосликларининг) дарс бераётган фанларига мувофиқлиги бўйича;
- д) талабаларнинг дарслик (электрон дарслик) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлиги даражаси, электрон кутубхона тизимининг мавжудлиги, ундан фойдаланиш самарадорлиги ва мустақил таълим бўйича ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги бўйича;
- е) моддий-техник таъминоти, ўқув лабораторияларининг замонавий асбоб-ускуналар билан ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлиги даражаси бўйича;
- ё) электрон таълимнинг жорий этилишида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларнинг қўлланилиши бўйича;
- ж) таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси бўйича;
- з) илмий-тадқиқот фаолияти бўйича;
- и) маънавий-маърифий фаолияти бўйича;
- й) битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши бўйича;
- к) халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги бўйича;
- м) битирувчилар томонидан битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларининг бажарилиши (сифати), якуний давлат аттестациясига оид фаолият ва унинг натижалари бўйича;
- н) иш берувчиларнинг битирувчилар билими, малакаси ва кўникмаларидан қониқиши ҳолати бўйича республика миқёсида кадрлар буюртмачилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан “Давлат олий таълим муассасаларида янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш учун уларнинг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари ва ўқув-методик таъминотига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги [ПҚ-5157](#)-сон қарорига мувофиқ қабул қилинган. *Маълумот учун шуни айтиб ўтиш керакки 2022/2023 ўқув йили учун қабулдан бошлаб, давлат олий таълим муассасаларига, улар минимал талабларга жавоб берган тақдирда, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга оширишга рухсат этилади.* Мисол учун, профессор-ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар қуйидагилар:

- профессор-ўқитувчилар штат бирликлари сони бўйича:
 - кундузги ва кечки таълим шаклида - ҳар 16 нафар талабага 1 штат бирлиги;
 - сиртқи таълим шаклида - ҳар 20 нафар талабага 1 штат бирлиги;



- профессор-ўқитувчилар билан таъминланганлик даражаси бўйича:
 - асосий иш жойи бўйича ишлайдиганлар улуши - 40%;
 - бакалавриат йўналишида илмий даражалилар улуши - 35%;
 - магистратура мутахассислигида илмий даражалилар улуши - 100%.

Ўқув-методик таъминотиغا қўйиладиган талаблар:

- ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун малака талаблари мавжудлиги бўйича - давлат таълим стандарти ва касб стандарти талабларига мувофиқ бўлиши;
- ўқув режадаги ҳар бир фаннинг ўқув дастурлари мавжудлиги бўйича - давлат таълим стандартлари ва малака талабларида белгиланган билим, малака, кўникма ва компетенцияларнинг талабаларда тўлиқ шакллантириш имконини яратадиган даражада бўлиши ва бошқалар.

Ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ҳамда ахборот-ресурс базаси билан таъминланганлиги бўйича:

- бакалавриат йўналишида - ҳар 6 нафар талабага 1 дондан;
магистратура мутахассислигида - ҳар 2 нафар талабага 1 дондан ва бошқалар.

Фикримизча, мазкур минимал талаблар ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаб бераётган таълим муассасаларига ҳам тегишлидир. Олий таълим муассасалари юқорида келтирилган мезонларга жавоб берган тақдирдагина олиб бораётган фаолияти давлат томонидан тан олинishi ва аттестациядан ўтган деб ҳисобланиши уларнинг келгусида жаҳонда тан олинган олий ўқув юртлари қаторига қиришига имконият яратиши билан бир қаторда сифатли кадрлар тайёрланишига ҳам хизмат қилади.

References:

1. Педагогик технология: Олий ўқув юртлари учун дарслик / Н.Х.Авлякулов, Н.Н.Мусаева. -Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2012. 208 б., Н.Т.Омонов, М.Б.Хаттабов. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳрат. Ўқув қўлланма. Т.: 2016. - 200 б., Ў.Х. Мухамедов, М.Х.Усмонбоева, С.С. Рустамов.Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар. Ўқув-услубий тавсиялар. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - 45 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3970451> (Мурожаат этилган сана:)
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг таҳлилий маълумотномаси. 2022 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4367782> (Мурожаат этилган сана: 01.03.2023)



5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 2020 йил 23 сентябрь ЎРҚ - 637-сон. // URL: <https://lex.uz/docs/5013007> (Мурожаат этилган сана:01.03.2023)
6. URL: <https://nrm.uz/contentf?doc=612964> (Мурожаат этилган сана: 01.03.2023)